

ЎСМИРЛИК ДАВРИДА КОГНИТИВ ЖАРАЁНЛАРНИ ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАР

Мадаминова Дилрабо

Низомий номидаги Тошкент Давлат
Педагогика Унверситети II – курс магистранти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ўсмирлик даврида когнитив жараёнларни шаклланишига таъсир этувчи психологик омилларнинг ўрни ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: ёш давлари, мавқе, когнитив, билиш жараёнлари, тафаккур, идрок, хаёл, характер.

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается роль психологических факторов, влияющих на формирование познавательных процессов в подростковом возрасте.

Ключевые слова: возрастные периоды, позиция, познавательные, познавательные процессы, мышление, восприятие, воображение, характер.

Ўсмирлик даври шахс онтогенезининг шундай босқичики, унда шахс ўз келажагига асосий пойдеворини фикран қўйиш билан бир қаторда имкониятларини намоён этади.

Мазкур даврни профессор Э .Ғ. Ғозиев қуйидагича таърифлайдилар: “Ўсмирлик ёшида болаликдан катталиқ ҳолатига кўчиш жараёни содир бўлади. Ўсмирда психик жараёнлар кескин ўзгариши билан ақлий фаолиятида ҳам бурилишлар сезилади. Шунинг учун шахслараро муносабатда катталар билан ўсмирларнинг муомаласида қатъий ўзгаришлар вужудга келади. Бу ўзгаришлар жараёнида қийинчиликлар туғилади”. [1, б.177]

Ўсмирлик даврининг психофизиологик ўзгаришларига эътибор бериб кузатадиган бўлсак Э. Ғ. Ғозиевнинг илмий таърифи нақадар тўғри эканлигини гувоҳи бўламиз. Мазкур даврдаги ёшга оид танглик ҳолати билиш жараёнларига қандай салбий таъсир этиш ҳамда улардаги ўзгаришлар ўсмир хулқида намоён бўлишини кўришимиз мумкин.

Ўсмир хулқидаги ўзгаришларнинг Э.Ғ.Ғозиев фикрларича “Ўсмирда шахсий нуқтаи назарнинг вужудга келиши сабабли у катталарнинг, ўқитувчининг қайғуриши, қойишига қарамай, ўзининг фикрини ўтқозишга

ҳаракат қилади. Унинг ўз кадр-қиммати ҳақидаги тасаввури, нарса ва ҳодисаларга муносабати оқилоналикдан узоқлаша бошлайди, у айрим маълумотларни тушунтириб беришни ёқтирмайдиган бўлиб қолади. Серзардалик кундалик хатти-ҳаракатнинг ажралмас қисмига айланади.” [1, б.177]

Устоз таъкидлаганларидек нуқтаи назарни юзага келиши ва серзардалик кундалик хатти-ҳаракатнинг ажралмас қисмига айланиши бевосита ва билвосита ўсмирнинг “мен” лигига бўлган ишончини образли бўртиб кетиши ҳамда билиш жараёнларига нисбатан ишончсизлигини ортиб кетиши табиий ҳол ҳисобланади. Айнан мана шу ҳолат ўсмирлардаги тафаккурни махсулдорлигига тўсқинлик қилиш билан бир қаторда идрокнинг яхлит изланувчанлигига имкон бермайди. Натижада ўсмир дастлабки нуқтаи назарида қатъий туриб олади. Агар унга катталар томонида йўл – йўриқ кўрсатилиб, камчиликлари исботлаб берилса ҳам серзардалик билан ўз фикрини химоя қилади.

Ўсмирлик даврида когнитив жараёнларни шаклланишига таъсир этувчи психологик омиллардан даслабкиси юқорида таъкидлаб ўтилган ёшга оид танглик ҳолати бўлса, иккинчиси уни қуршаб турган ижтимоий муҳит ҳисобланади. Аксар ҳолларда катталар томонидан назоратни кучайиб кетиши ва насиҳатни хаддан ташқари кўпайиб кетишидир.

Катталар томонидан ўсмирнинг фақат салбий хатти - ҳаракатларига урғу берилиши ҳамда ўсмир тасаввурига сиғмайдиган маслаҳатларни бериш ўсмир руҳиятида норозиликни юзага келтиради. Бундай вақтларда “Ўзимни фикрим тўғри” деган фикр ўсмир бош миясида доминантлик бўлиши табиий ҳол ҳисобланади. Доминантлик эса ўз навбати бошқа жараёнларнинг фаол фаолиятига тўсқинлик қилиш психологияни кўп тармоқларида ўз исботини топган. Ана шу давр вакилларида ижтимоий муҳитда ўз ўрнига эга бўлишга интилиш юқорилиги натижасида, турли статусларга мослашиш бир мунча қийинчиликларни юзага келтириб, когнитив жараёнларни фаоллигига йўл қўймайди. Шу сабабли ўсмирлик даврида кутилмаган (спонтан) ҳаракат тез – тез кўзга ташланиб туради.

Когнитив жараёнларнинг шаклланишига таъсир этилаётган омиллар бир вақтнинг ўзида ҳам ижобий ҳам салбий таъсир этиш қонунияти мавжуд бўлиб, ташқи ва ички таъсирларнинг ўзига хослиги бевосита ўсмирнинг ҳолати ҳамда қандай қабул қилишига боғлиқ ҳисобланади. Ушбу ҳолат ўсмир психологиясида ўзи билан ўзини чиқиша олмаслик зиддиятларни келтириб чиқаради ва ўсмирнинг когнитив жараёнларига саълбий таъсир этади. Мазкур ҳолатни бартараф этиш, ўзига хос мураккабликни юзага келтиради.

Э. Ғ. Ғозиев таъбирлари билан изоҳланган қуйидагича “Ўсмирнинг психик ўсишини ҳаракатга келтирувчи куч – унинг фаолиятини вужудга келтирганлиги эҳтиёжлар билан уларни қондириш имкониятлари ўртасидаги қарама-қаршиликлар тизимининг намоён бўлишидир. Мана шу диалектик қарама-қаршиликлар ортиб бораётган жисмоний, ақлий ҳамда ахлоқий имкониятлар билан барқарорлашган стереотипга айланган ташқи оламни акс эттиришнинг шакллари ўртасида содир бўлади. Вужудга келган зиддиятлар ва қарама-қаршиликларни, психологик камолотни таъминлаш, фаолият турларини мураккаблаштириш орқали ўсмир шахсида янги психологик фазилатларни таркиб топтириш билан аста-секин йўқотиш мумкин”. [1, б.178]

Юқоридаги фикрдан ҳам кўриниб турибдики ўсмирлик даврида онгли фаолиятини тўғри йўналтириш орқали вужудга келган эҳтиёжларни онгли равишда қондиришга ундаш ва уни асосида когнитив жараёнларни мустақил ривожланишига шароит яратиш мақсадга мувофиқдир.

Ўсмирлик даври шахс ривожланишининг энг мураккаб босқичларидан бири бўлиб у қанчали муваффақиятли ва сермазмун ўтса ўсмирни когнитив жараёнларини муваффақиятли ривожланишига таъсир этиш билан бир қаторда жамиятда ўз мавқеига (статус) эга бўлиши гарови ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Э.Ғ.Ғозиев. “Онтогенез психологияси”. Т. “Ношир”, 2010й. [1,2,3 б. 177,178]